

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**ХАБИБУЛЛАЕВ БЕХЗОД БАХОДИРЖАНОВИЧ**

**ИККИЛАМЧИ ИММУНТАНҚИСЛИК ХОЛАТЛАРИДА  
МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ЎСИМЛИК ВА СИНТЕТИК  
МОДДАЛАРДАН ОЛИНГАН ЯНГИ ВОСИТАЛАРНИНГ  
ИММУНОТРОП ФАОЛЛИГИ МЕХАНИЗМИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc)диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Хабибуллаев Бехзод Баходиржанович**

Иккиламчи иммунтанқислик холатларида маҳаллий  
хомашёлар асосида ўсимлик ва синтетик моддалардан  
олинган янги воситаларнинг иммунотроп фаоллиги механизми..... 5

**Хабибуллаев Бехзод Баходиржанович**

Механизм иммунотропной активности новых растительных и  
синтетических средств, полученных на основе местного сырья,  
при вторичных иммунодефицитах ..... 27

**Khabibullaev Bekhzod Bakhodirjanovich**

Mechanism of immunotropic activity of new plant and synthetic  
means, obtained on the basis of local raw materials at secondary  
immunodeficiency..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 58

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**ХАБИБУЛЛАЕВ БЕХЗОД БАХОДИРЖАНОВИЧ**

**ИККИЛАМЧИ ИММУНТАНҚИСЛИК ХОЛАТЛАРИДА  
МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ЎСИМЛИК ВА СИНТЕТИК  
МОДДАЛАРДАН ОЛИНГАН ЯНГИ ВОСИТАЛАРНИНГ  
ИММУНОТРОП ФАОЛЛИГИ МЕХАНИЗМИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib210 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Батирбеков Акрам Анварович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Уразметова Маиса Дмитриевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Сыров Владимир Николаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шахмурова Гульнора Абдуллаевна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Россия Фанлар академияси Урал бўлими «Иммунология ва физиология институти» Федерал давлат илмий муассасаси

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломовкўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: [immunology2015@mail.ru](mailto:immunology2015@mail.ru))

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкентшаҳри, Я.Ғуломовкўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У.Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**З.С.Камалов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А.Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда ўсимликлар хом-ашёсидан олинган дори воситалари турли этиологияли касалликларини даволашда кенг қўлланилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ривожланган мамлакатлар аҳолисини даволашда ўсимликлар хом-ашёсидан тайёрлаган янги дори воситаларини қўллаш 50% ни, қолган давлатларда эса бу кўсаткич 35-40% ташкил этмоқда»<sup>1</sup>. Ушбу йўналишда дунёнинг кўплаб мамлакатлари соғлиқни сақлаш ташкилотлари янги ўсимликлархом-ашёсидан ажратиб олинган биологик фаол моддалар асосида дори воситалари ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада, айниқса, иммун тизим фаолиятига таъсир қилувчи, яллиғланишга қарши ва гипогликемик дори воситаларига талаб ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар асосидаги препаратлар кўпаймоқда. Янги иммуотроп дори воситаларининг иммунопатологик жараёнларига таъсирини аниқлашга эътибор ортмоқда. Бу борада биологик фаол моддаларнинг тажрибавий ҳайвонлар аъзолари, ҳужайра ва ҳужайра ичи даражасида таъсир механизмини аниқлаш; иммуотроп дори воситаларини ҳужайра антиоксидант тизимига таъсирини аниқлаш; *Radix Glizirryiae* ўсимлиги экстрактининг аъзолар кўчириб ўтказишда митохондрияларга таъсирини аниқлаш; *Abies nephrolepsis* - оқ қарағайдан олинган эфир мойининг туберкулез ривожланишига қарши таъсирини аниқлаш; *Ferula sinkiangensis* сувли экстрактининг эндокрин тизим фаолиятига таъсирини аниқлаш; турли кимёвий ва ўсимликлардан ажратилган фаол моддаларини қўшиш асосида олинган иммунмодулловчи, яллиғланишга қарши ва гипогликемик дори воситаларини организмга таъсир механизмини аниқлаш; маҳаллий шароитда ўсадиган ўсимликлардан тайёрланган дори воситаларини амалиётга тадбиқ қилишилмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизаҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан маҳаллий хом-ашё асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик воситаларнинг иммуотроп фаоллигини аниқлаш ва амалиётга тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, иммунмодулловчи хусусиятли ўсимлик ва синтетик воситалардан иммунмодулловчи хусусиятли фаол моддаларни ажратиб олиш

<sup>1</sup>World Health Organization, 2010

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига сўғришида» ПФ-4947-сон Фармони..

ва уларни иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида қўллашни ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 16 сентябрдаги «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-2595-сон ва 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-2647-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мосиғи.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Иккиламчи иммунтанқисликларда маҳаллий хом-ашё асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик воситаларнинг иммунотроп фаоллиги механизмини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Graduate School for International Development and Cooperation Hiroshima, University Higashihiroshima (Япония), Department of Clinical Chemistry Hoshi University Tokyo (Япония), Nihon Pharmaceutical University Saitama (Япония), Universidade Federal de Goiás (Бразилия), Department of Biological Science and Technology, National ChiaoTung University (Тайван), Department of Obstetrics and Gynecology, Taipei Medical University Hospital, (Тайван), Department of Microbiology and Immunology, National Defense Medical Center (Тайван), Shaman Pharmaceuticals Inc. (АҚШ), Showa Pharmaceutical University, Higashi-tamagawagakuen (Япония), Laboratório de Tecnologia Farmacêutica, Universidade Federal da Paraíba (Бразилия), МТТА grifood Research (Финландия), Plant Production Research (Финландия), Medical University of Warsaw, Department of Physical Chemistry (Польша), Medical University of Bialystok, Department of Pharmacognosy (Польша), Россия соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Башқортостан тиббиёт университети (Россия), Ўсимлик моддалари кимёси институти ва Иммунология ва инсон геномикаси институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда иккиламчи иммунтанқисликда маҳаллий хом-ашё асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик воситаларнинг иммунотроп фаоллиги

<sup>3</sup> [www.hiroshima-u.ac.jp](http://www.hiroshima-u.ac.jp), [www.hoshi.ac.jp](http://www.hoshi.ac.jp), [www.nichiyaku.ac.jp](http://www.nichiyaku.ac.jp), [www.ufg.br](http://www.ufg.br), [www.life.nctu.edu.tw](http://www.life.nctu.edu.tw), [www.tmu.pure.elsevier.com](http://www.tmu.pure.elsevier.com), [www.ndmctsgh.edu.tw](http://www.ndmctsgh.edu.tw), <https://www.shoyaku.ac.jp>, <https://www.uninove.br>, <https://www.ufpb.br>, <https://portal.mtt.fi>, <https://www.helsinki.fi>, <https://2wl.wum.edu.pl>, <http://ichf.edu.pl>, <https://www.umb.edu.pl>, <http://if-pan.krakow.pl>, <http://bashgmu.ru/>

механизмини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: худудий ўсимлик дамламаларининг яллиғланишга қарши ва антиоксидант хусусиятлари аниқланган (Волгоград давлат тиббиёт университети, Россия; Medical University of Warsaw, Faculty of Pharmacy, Department of Physical Chemistry, Польша); Panax ginseng ўсимлигининг экстракти лимфа хужайралари пролиферациясини жадаллаштирувчи таъсири аниқланган (Россия давлат тиббиёт университети, Россия); Gnaphalium uliginosum ўсимлигидан олинган фаол модда юқори сезувчанликнинг секинлашган тури реакциясини пасайтириши аниқланган (Faculty of Pharmaceutical Sciences, Okayama University, Япония).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида маҳаллий хом-ашё асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик воситаларнинг иммуотроп фаоллиги механизмини аниқлаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: биологик фаол моддаларнинг тажрибавий ҳайвонлар аъзолари, хужайра ва хужайра ичи даражасида таъсир механизмини аниқлаш; иммуотроп дори воситаларини хужайра антиоксидант тизимига таъсирини аниқлаш; Radix Glizirgyiae ўсимлиги экстрактининг аъзолар кўчириб ўтказишда митохондрияларга таъсирини аниқлаш; Abies nephrolepsis - оқ қарағайдан олинган эфир мойининг туберкулез ривожланишига қарши таъсирини аниқлаш; Ferula sinkiangensis сувли экстрактининг эндокрин тизим фаолиятига таъсирини аниқлаш; турли кимёвий ва ўсимликлардан ажратилган фаол моддаларни қўшиш асосида олинган иммунмодулловчи, яллиғланишга қарши ва гипогликемик дори воситаларини организмга таъсир механизмини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хозирги вақтда ўсимликлар хар хил фармакологик фаолликка эга бўлган биологик фаол препаратлар олинадиган хом-ашё сифатида тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб қолмоқда (Itoh K et al., 2009; Dore С.М. et al., 2014; Tanaka Т., 2014., Во R. et al., 2016). ЖССТ прогнозига қараганда, яқин 10 йил ичида фитопрепаратларининг улуши дори воситалари умумий ҳажмининг 60%дан ортиғига тўғри келиши кутилмоқда (ВОЗ, 2010).

Ўсимликликдан олинган препаратлар буйрак зарарланганда (Шильцова Н.В. ва хаммуаллифлар, 2010), гинекологик касалликларда (Прилепская В.Н., 2003), артритларда (Солиева Н.А., 2008) ва жигар хасталиклариди (Турищев С.Н., 2003; Шутов Д.В., 2007; Чучалин В.С. ва хаммуаллифлар, 2007; Бухтина Л., 2009; Гасанова Д.А. ва хаммуаллифлар, 2007) ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Марказий Осиё худуди ўсимдан олинадиган дори воситаларининг бой макони хисобланади (Юлдашев А.С., 2001; Азизов У.М. ва хаммуаллифлар, 2010; Ибрагимов А.Я. ва хаммуаллифлар, 2010). Ўзбекистондаги кимё йўналишидаги институтларда яллиғланишга қарши (Тураев А.С. ва хаммуаллифлар, 2013), ярага қарши (Миракилова Д.Б. ва хаммуаллифлар, 2009), гипогликемик (Азизов У.М. ва хаммуаллифлар, 2010) ва бошқа хусусиятли дори воситалари ишлаб чиқилмоқда. Барча препаратлар

клиникагача бўлган тадқиқотларда Республика фармакология қўмитаси талабига биноан иммунологик текширувлардан ўтказилади.

Хозирги вақтгача ЎзР Фанлар академияси биорганик кимё ва Тошкент фармацевтика институти томонидан ишлаб чиқилган янги яллиғланишга қарши ва гипогликемик препаратларнинг иммун тизимга, яъни *in vivo* и *in vitro* тизимида уларнинг меъёр ва иккиламчи иммунтанқисликда иммунологик реакцияларга, ўзак хужайралар фаоллиги таъсир механизми аниқланмаган. Кўп қиррали, яъни бир вақтнинг ўзида турли биологик фаол препаратларни яратиш уларни амалиётда турли генезли касалликларни даволашда қўллашга кенг шароитлар очилиши мумкин. Шундай қилиб, маҳаллий хом-ашё асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик иммунмодуловчи хусусиятларга эга бўлган дори воситаларини яратиш муаммоси долзарб ва амалий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А11-Т059 «Маҳаллий хом-ашё асосидаги ўсимликдан олинган ва синтетик янги иммунмодуляторлар полифункционал хоссаларини аниқлаш» (2012-2014 йй.) ва ФТҚҚФ Т.8-14 «Маҳаллий хом-ашёда асосидаги ўсимлик гипогликемик янги воситаларининг иммунмодуляторлар таъсир механизмини аниқлаш» (2014-2015йй.) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иккиламчи иммунтанқисликларда маҳаллий хомашёлар асосида ўсимлик ва синтетик моддалардан олинган янги воситаларнинг иммунотроп фаоллиги механизмини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

яллиғланишга қарши воситалар сукромед, провид, биомайрин, биофтизоэтам ва руҳ глюконатининг иммунмодуловчи таъсирини аниқлаш; гипогликемик воситалар каспий карелинаси ва гармаланимеъёр ва иккиламчи иммунтанқисликларда иммуногенезга таъсир самарасини баҳолаш;

ўсимликдан олинган воситаларнинг қон ҳосил қилувчи ўзак хужайралар пролиферациясига таъсирини аниқлаш;

ўсимликдан олинган воситаларнинг иммун тизими меъёрий ва иккиламчи иммунтанқисликлардаги кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

ўсимликдан олинган воситаларнинг антитаналар ҳосил бўлишига таъсирини *in vitro* тизимида аниқлаш;

ўсимликдан олинган воситаларнинг ўткир токсик гепатитида иммунитет аъзолари морфологиясига таъсирини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 654 та оқ жайдари сичқонлар ва 72 та оқ зотсиз каламушлар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ҳайвонларнинг периферик қони, тимуси, суяк кўмиги, қора талоғи, лимфа тугунлари ва жигари иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда иммунологик, гематологик ва статистик усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўсимликдан олинган (сукромед, провид, биомайрин, биофтизоэтам, каспий карелинаси, гармала) ва синтетик (рух глюконати) воситаларнинг иммунмодуллашчи таъсир механизми аниқланган;

Ўсимликдан олинган ва синтетик воситалар турли корпускуляр антигенларга (қўй, эчки эритроцитлари) антитана ҳосил бўлиш жараёни тезлаштириши исботланган;

тадқиқотда қўлланган воситалар интакт сичқонлар ва иккиламчи иммунтанқислиги (ўткир токсик гепатит, гемолитик анемия, нур касаллиги) бўлган жониворлар қораталоғида антитана ҳосил қилувчи хужайралар сонини *in vivo* и *in vitro* тизимида ошириши аниқланган;

Ўсимликдан олинган ва синтетик воситалар иммунитетнинг марказий (тимус, илик) ва периферик (қораталоқ, лимфа тугунлари) аъзоларида хужайралар миқдорининг ортишига таъсири исботланган;

Ўсимликдан олинган воситалар интакт ва иммунтанқислиги бўлган жониворлар қонида эритроцитлар ва лейкоцитлар сонини кўпайтириши аниқланган;

яллиғланишга қарши ва гипогликемик воситалар иммунологик ва гематологик кўрсаткичларини мутаносиб равишда меъёрлаштириши аниқланган;

Ўсимликдан олинган воситалар ўткир токсик гепатитда иммунитет кўрсаткичлари ўзгаришларига иммунмодуллашчи таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ўсимлик хом-ашёсидан олинган воситаларни иммун тизими бўғинларидаги бузилишларга йўналтирилган иммунмодуляцияловчи таъсирини баҳолашга асос яратилган;

иммунотроп фаолликли яллиғланишга қарши ва гипогликемик воситаларни амалий тиббиётда иммун тизими ўзгаришлари билан кечадиган ёндош патологияларда асос яратилган;

маҳаллий хомашёдан олинган препаратларнинг *in vitro* ва *in vivo* тестида иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида иммунокомпетент хужайраларига таъсирини баҳолаш усули яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ҳайвонлар ва беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иккиламчи иммунтанқисликларда маҳаллий хом-ашё асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик воситаларнинг иммунотроп фаоллиги механизми аниқлаш республикада келажақда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Ўсимликдан олинган ва синтетик воситаларнинг таъсир механизми иммунмодулловчи таъсири, антитана ҳосил бўлиш жараёнини тезлаштириши; иккиламчи иммунтанқисликда жониворлар қораталоғида антитана ҳосил қилувчи ҳужайралар сонини *in vivo* и *in vitro* тизимида ошириши; иммунитетнинг марказий ва периферик аъзоларида ҳужайралар миқдорининг орттириши; эритроцитлар ва лейкоцитлар сонини кўпайтириши; иммунологик ва гематологик кўрсаткичларини мутаносиб равишда меъёрлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, иммунотроп фаолликли яллиғланишга қарши ва гипогликемик воситаларни амалий тиббиётда иммун тизими ўзгаришлари билан кечадиган ёндош патологияларда қўллашга асос яратилган. Маҳаллий хомашёдан олинган препаратларнинг *in vitro* ва *in vivo* тестида иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида иммунокомпетент ҳужайраларига таъсирини баҳолаш усули орқали иммунмодулловчи препаратларни синаш муаммоларини ҳал этиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иккиламчи иммунтанқисликларда маҳаллий хомашё асосида ўсимлик ва синтетик олинган янги воситаларнинг иммунотроп фаоллиги механизмини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Гармала ва каспий карелинаси иммуномодулятор сифатида қўлланилишининг тажрибавий асосланиши» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 8н-д/173-сон маълумотномаси).Мазкур услубий қўлланма иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида иммун тизими ҳолатини меъёрлаштириш учун хизмат қилган;

«Сукромед, провид, биомайрин ва биофтизиоэтамларнинг иммуномодулловчи воситалар сифатида қўллаш истиқболлари» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 8н-д/173-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма иммуномодулловчи фаолликга эга,маҳаллий хомашёсидан олинадиган зарарсиз арзон дори воситалари билан мамлакатимиз бозорини бойитишга имкон яратди;

«Рух глюконатини иммуномодулловчи восита сифатида қўллаш истиқболлари» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 8н-д/173-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида, ўткир токсик гепатит, гемолитик анемия ва нурланиш жараёнларида иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар ҳолатини меъёрлаш учун хизмат қилган;

маҳаллий хомашё асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик воситаларнинг иммуотроп фаоллигини баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент фармацевтика институтининг дори воситаларини тажриба лабораторияси ва Тошкент тиббиёт академиясининг олий таълим муассасалари илмий-тадқиқот лабораторияси фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-з/202-сон маълумотномаси). Тадбиқ этилган натижалар маҳаллий хом-ашёдан олинган, иммуномодуловчи фаолликка эга бўлган ўсимлик дори воситаларини ишлаб чиқаришга асос бўлади. Биомарин препаратининг 600 мг капсуласи сил касаллигининг ўпка ва ўпкадан ташқари шаклларида клиникада қўллаш учун рухсат олинган (Дори воситалари, тиббиёт техникаси ва маҳсулотларини экспертизаси ва стандарлаш давлат марказининг 2018 йил 05 октябрдаги 29/03-1614-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, улардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 183 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гармала, каспий карелинасива рухнинг фармакологик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида турли ўсимликлардан ажратиб олинган моддаларнинг физик-кимёвий ва биологик хоссалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган адабиётлар шарҳи баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектлари тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, қўйилган вазифаларнинг ечимини таъминловчи усул ва услубий

ёндашувларнинг тавсифи келтирилган. Тадқиқотлар 2012-2018 йилларда ўтказилди.

Тажрибалар иккала жинсга мансуб, вазни 18-22 г 654 дона 2-3 ойлик оқ жайдари сичқонлар ва вазни 150-190 г жайдари каламушларда ўтказилди. Жониворлар виварийнинг стандарт рационидида сақланди. Барча муолажалар Тажриба ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали хайвонларни химоя қилиш Европа конвенциясига мувофиқ ўтказилди (Страсбург, 1986).

Комплемент манбаси сифатида тана вазни 300-400 г бўлган денгиз чўчкалари қўлланилди. Денгиз чўчкалари декапитациясидан сўнг, қон зардоби олинди ва тажриба учун  $-20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда сақланди. Тажрибадан аввал зардоб физиологик эритмада 1:15 мутаносибликда аралаштирилди. Тажрибаларда тимусга тобе антигенлар – қўй эритроцитлари (ҚЭ) ва эчки эритроцитлари (ЭЭ) қўлланилди. Иммунизациядан аввал ҚЭ ва ЭЭ икки мартаба 10 дақиқа давомида 199 муҳити ёки физиологик эритмада 1000 айлана тезликдаги центрифугага қўйилди. ҚЭ бир сичқонга  $2 \times 10^7$  ва  $2 \times 10^8$  дозада қоринга бир мартабадан юборилди.

ҚЭ ёки ЭЭ иммунизацияланган сичқонлар қораталоғидаги антитана ҳосил қилувчи (АХХ) хужайраларнинг сони қораталоқда Jerne N.R. ва Nordin A.A. бўйича (1963) локал гемолиз услуги орқали аниқланди.

In vitro тизимида антитана ҳосил қилинишини ўрганиш учун иммунизацияланган сичқонлар (меъёрий ёки иккиламчи иммунтанқислиги бўлган) қораталоғидан хужайра суспензияси тайёрланди, уларни 1 мл да 1 млнга етказилди. Хужайра суспензияларига ўрганилаётган воситаларни (мкг/мл) қўшилди,  $+37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 30 дақиқа инкубацияланди ва сўнг қораталоқда Jerne N.R. ва Nordin A.A. бўйича антитана ҳосил қилувчи хужайралар (АХХ) сони аниқланди. Ушбу модел бўйича ўрганилаётган воситаларнинг турли иммункомпетент хужайралар билан бевосита алоқаси содир бўлади.

Эмланган барча жониворлар қораталоғида АХХ миқдорини аниқлаш билан бир вақтда иммунитетнинг марказий (тимус, илик) ва периферик (қораталоқ, лимфа тугунлари) аъзоларида умумий хужайралар сони ҳам ҳисобланди (Петров Р.В., Зарецкая Ю.М., 1965). Бундан ташқари, эмланган жониворларда периферик қонларида эритроцитлар ва лейкоцитлар миқдори ҳисобланди.

Периферик қонда антитаналар титрини аниқлаш учун 96 ўйимли планшетларга 50 мкл физиологик эритмадан қуйиб чиқилди. Сўнг биринчи ўйимга 50 мкл эмланган жонивор зардоби солинди, яхшилаб аралаштирилди ва давомий ўтиш орқали сўнгги ўйимгача шу тарика титрланди. Сўнгги ўйимда фақат физиологик эритма бор эди (назорат). Сўнг барча ўйимларга 50 мкл дан 1% ли ҚЭ қўшилди. Планшетлар 1 соатга термостатга  $+37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда қўйилди. Бундан кейин антитаналарнинг гемагглютинация реакциясида титрлари аниқланди. Антитана титри зардобнинг сўнгги аралашмаси бўйича аниқланди, бунда ҚЭ ёки ЭЭ билан реакцияга киришарди (ўйимда “зонгча” кузатилади). Натижалар 2 ( $\log_2$ ) логорифмалар орқали изоҳланди.

Сичқонлар қон ҳосил қилувчи устун ҳужайралари пролиферациясини аниқлаш учун бир маротаба тотал равишда 6,5 Гр сублетал дозада нурлантирилди (Till J.T., McCulloch E.A., 1963). Бир кундан сўнг, ошқозон орқали уларга ўрганилаётган воситалар юборилди. 9 кунга келиб, сичқонлар қораталоклари Буэн фиксаторига жойлаштирилди, сўнг уларнинг юзасидаги тугунлар сони – колония ҳосил қилувчи бирликлар (КХБ) саналди, уларнинг ҳар бири бир устун ҳужайрадан шаклланади.

Каламушларда қорин орқали бир маротабалик глюкозанинг гипертоник эритмасини 4,5 г/кг дозада юбориш орқали тажрибавий гипергликемияни келтириб чиқарилди. Карелиния каспийская воситасининг ўрганилаётган моддалари: 25 мл/кг дозадаги настойкаси, 100 мг/кг дозали сувли ва спиртли экстракти ошқозонга глюкоза юборилишидан 30 дақиқа аввал юборилди. 30, 60 ва 120 дақиқадан сўнг, қабул қилинган услублар орқали қанднинг қондаги миқдори аниқланди.

Иккиламчи иммунтанқислик ҳолатлари моделланиши:

1) Ўткир токсик гепатит (ЎТГ) сичқонларда гепатроп захар – тўрт хлорли углерод -  $CCl_4$  ни 0,2 мл дан 20%ли ёғли эритмада 3 кун давомида тери остига юбориш орқали юзага келтирилди.  $CCl_4$  ни сўнгги дозасини киритилган кун сичқонлар ҚЭ билан эмланди ва қорин орқали ўрганилаётган воситалар юборилди. 5 кунга келиб, сичқонлар нобуд қилинди ва воситаларнинг биз томонимиздан аниқланаётган иммунологик ва гематологик кўрсаткичларга таъсири баҳоланди.

2) Гемолитик анемия фенилгидразин ёрдамида ҳосил қилинди (Петров Р.В. с соавт., 1984). Восита 30 мг/кг дозада ҳар кун қоринга 3 кун давомида юборилди. Сўнгги доза юборилган кун жониворлар  $2 \cdot 10^8$ /сичқон дозасида ҚЭ билан эмланди ва яна 5 кундан сўнг, қораталокдаги АХХ миқдори бўйича организмнинг иммунологик реакцияси аниқланди.

3) Нурланиш касаллигини модели учун сичқонлар 5 Гр дозада нурлантирилди. 3 кундан сўнг, улар қорин орқали ҚЭ билан эмланди ва яна 4 кун ўтиб, қораталокда АХХ миқдори, ҚЭ га антитаналар титри, тимус, илик, лимфа тугунларида ҳужайралар сони, қонда эритроцитлар ва лейкоцитлар сони аниқланди.

Морфологик тадқиқотлар учун қораталок, тимус ва лимфатик тугунлар бўлакчалари 2-4 соат оқар сувда ювилиб, сўнг 48 соатга 10% ли нейтрал формалин эритмасида сақланди; баландлашиб борадиган концентрацияли спиртлар ва хлороформда сувсизлантирилди, парафинга воск билан қуйилди. Парафин бўлақлардан 5-8 мкм қалинликдаги гистологик кесимлар тайёрланди, улар қуйидаги гистологик ва гистокимёвий услублар орқали бўялди: умумий морфология учун гематоксилин ва эозин билан бўялади.

Фойдаланилган ўсимлик воситалари. ЎзР ФА Биоорганик кимё институтида тўрт восита олинди (проф. Тураев А.С., Нормоҳаматов Н.С., Шомуратов Ш.А.): 1) провид, 2) сукромед, 3) биофтизоэтам, 4) биомайрин. ЎзР ССВ Тошкент фармацевтика институтида қуйидаги ўсимлик воситалари ўрганилди (проф. Алиев Х.У.): 1) Каспий карелинияси ёки оқбош экстракти (*Karellnia caspia*); 2) Гармала экстракти (*Peganum harmala*); 3) рух глюкокати.

Провид – ВИЧ-инфекция, гепатит С ва лейкомиага қарши антивирус восита (микробицид) бўлиб, *Vitis vinifera L.* ўсимлигидан ажратиб олинган. Аморв оқ рангли кукун, ҳидсиз. Гигроскопик. Молекуляр массаси – 550 кДа. Сульфат гуруҳлари бўйича ўрин босиш даражаси – 2,98. 300 мкг/мл концентрациясида антикоагулянт фаоллик кўрсатади. Ўткир токсиклик – 2500 мг/кг. Сувда яхши эрийди (чўзилувчан эритмани ҳосил қилади), органик эритувчиларда деярли эримайди.

Сукромед – вирус инфекцияларига қарши антивирус восита. Восита олигосахаридлар этерификацияси йўли орқали олинган бўлиб, *Vitis vinifera L.* ўсимлигидан ажратиб олинган. Аморф кукун, оқ рангли, ҳидсиз. Молекуляр массаси – 1000 Да. Сульфат гуруҳлари бўйича ўрин босиш даражаси – 6,1. 300 мкг/мл концентрациясигача бўлган ҳолда антикоагулянт фаоллик кўрсатмайди. Ўткир токсиклик – 2500 мг/кг дан ошганда. Сув, метанол, этанолда яхши эрийди.

Биофтизоэтам – *Amaranthus L.* ўсимлигидан ажратиб олинган макромолекуляр доривор тизим бўлиб, полигалактурон кислотасининг макромолекула занжири бўйлаб икки туберкулёзга қарши восита – изониазид ва этамбутол мавжуд. Молекуляр массаси  $16000 \pm 500$ . Таркиби: изониазид – 20,2 моль%, этамбутол – 25,6 моль %.

Биомайрин – бу восита “Биофтизоэтам” воситаси ва рифампицин антибиотики ва полигалактурон кислотасининг полимер мажмуаси аралашмаси йўли орқали олинади. Восита таркибида таъсир этувчи моддаларнинг умумий миқдори 16% изониазид ва 32% этамбутол ва 26% рифампициндан иборат.

Олинган натижаларнинг статистик ишлови Стъудент t-мезонини қўллаш орқали ва «Microsoft Excel» стандарт дастурлар пакети орқали ўтказилди. Ўрта арифметик ҳисоб (M), ўрта квадратик оғиш ( $\sigma$ ), стандарт хато (m), Стъудент мезони (t) хато эҳтимолий ўлчови (p) билан белгиланди. Ўртача миқдор фарқлари  $p < 0,05$  аҳамият даражасида ишончли деб топилди. Бунда лаборатор тадқиқотлар маълумотларининг статистик ишлови бўйича мавжуд кўрсатмаларга риоя қилинди. Корреляцион таҳлил Пирсоннинг оддий чизиқли корреляцияси бўйича r коэффицентини ўлчаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг «Каспий карелинаси ва гармала гипогликемик воситаларининг иммун тизими меъёрий ва иккиламчи иммунтанкисликлардаги кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқлигига таъсири» деб номланган учинчи бобида тажрибавий тадқиқотларимиз давомида иммунологик моделларимизда гипогликемик воситалар текширилди, улар Тошкент фармацевтика институтида ишлаб чиқилган гармала ва каспий карелинияси экстрактларидир. Каспий карелинаси сувли ва спиртли экстракти, дамламасининг қондаги қанд моддаси миқдорига таъсири каламушларда ўрганилди. Аниқланишича, каспий карелинияси воситаси (дамлама, сувли ва спиртли экстракти) ўрганилган дозаларда қоринга глюкозанинг гипертоник эритмасини юбориш

орқали юзага келтирилган гипергликемияда қисқа муддатли гипогликемик самарага эга. Каспий карелинияси дамламасининг самараси сувли ёки спиртли экстрактига нисбатан юқорироқ бўлди.

Гипогликемик воситаларнинг иммунологик ва гематологик тадқиқотлари қуйидаги натижаларни берди:

Каспий карелинияси ҚЭ билан эмланган сичқонлар қораталоғида АХХ сони 1,13 мартага ( $p < 0,05$ ) юқори бўлди, гармала эса 1,59 мартага ( $p < 0,05$ ) юқори бўлди. Каспий карелинияси ва гармала, тимусда хужайралар миқдорига таъсир кўрсатмай, ҚЭ билан эмланган сичқонлар илиги ва лимфа тугунларида хужайралар миқдорини ишончли оширган. Гармала конда эритроцитлар миқдорини 15% га ишончли оширган. Каспий карелинияси ва гармала лейкоцитлар миқдорини, мос равишда, 27% ва 18% га оширган.

Сичқонлар эчки эритроцитлари (ЭЭ) билан эмланганда гармала бутун қораталокда АХХ сонини 2,20 мартага оширган, каспий карелинияси эса 1,51 мартага, каспий карелинияси қўшимча билан – 1,81 мартага оширган. Фақат гармала сичқонлар қонида ЭЭ га антитаналар титрини 31% га ишончли ошириш хусусиятига эга бўлган. Гармала ЭЭ билан эмланган сичқонлар иммунитетнинг марказий (тимус, илик) ва периферик (лимфа тугунлари) аъзоларида хужайралар сонини ишончли ошириш хусусиятига эга бўлди. Каспий карелинияси тимоцитлар миқдорига таъсир кўрсатмай, илик ва лимфа тугунларида хужайралар сонини ишончли оширган. ЭЭ билан эмланган сичқонларда гармала эритроцитлар миқдорини 1,23 мартага, лейкоцитлар миқдорини – 1,35 мартага оширган. Каспий карелинияси тўлдиргичлар ва уларсиз – эритроцитлар миқдорини 1,18-1,21 мартага, лейкоцитларни – 1,27-1,37 мартага оширган.

Аниқланишича, ўсимлик воситалари сублетал нурланган сичқонлар қораталоғида қон ҳосил қилувчи устун хужайраларнинг пролиферациясини стимуллади: гармала 3,33 мартага, каспий карелинияси – 2,54 мартага, каспий карелинияси тўлдиргич билан – 2,81 мартага оширган (жадвал 1). Ўрганилган ўсимлик воситалари ЎТГ ли иммунтанқис сичқонлар қораталоғида АХХ сонини (1,7-2,1 мартага) оширди ва умумий спленоцитлар сонини (1,18-1,33 мартага) оширди. Гармала, каспий карелинияси ва тўлдиргичли каспий карелинияси ЎТГ сичқонлар қонида ҚЭ га антитаналар титрини (1,42-1,5 мартага) оширган. Гармала ва каспий карелинияси ЎТГ ли жониворлар иммунитетининг марказий ва периферик аъзоларидаги бузилишларни коррекциялаш хусусиятига эгадир. Бир вақтнинг ўзида улар маълум миқдорда жигар патологияси бўлган жониворларда эритроцитлар ва лейкоцитлар миқдорини тиклаган.

#### 1-жадвал

#### Гармала ва карелиния каспийскаянинг қон ҳосил қилувчи ўзак хужайралар пролиферациясига таъсири ( $M \pm m$ )

Гуруҳ	Доза, мг/кг	КХБс қораталокда	МИ
1.назорат (n=10)	-	$5,2 \pm 0,3$	-
3.гармала (n=10)	50,0	$17,3 \pm 1,1^a$	+3,33

4.каспий карелинаси (n=10)	100,0	13,2 ± 0,8 <sup>аб</sup>	+2,54
5.каспий карелинаси + тўлд. (n=10)	100,0	14,6 ± 1,0 <sup>а</sup>	+2,81

Изоҳ: КХБ<sub>c</sub> – қораталоқда колония ҳосил қилувчи бирликлар, МИ – мутаносиблик индекси, а- 1 гр га ишончли, б – 2 гр га ишончли.

Аниқланишича, гармала ва каспий карелиниясигемолитик анемия бўлган сичқонларда қораталоқда АХХ миқдорини ошириш, ҚЭ га антитаналар титри, тимус, илик, лимфа тугунларида хужайралар сонини ошириш хусусиятига эга. Ўсимлик воситалари анемия бўлган жониворлар периферик қонида эритроцитлар ва лейкоцитлар сонини кўпайтирган.

Нурланиш таъсиридан сўнг сичқонларнинг иммунологик реакцияси 10,3 мартага пасаяди. Гармала ва каспий карелиниясинур касаллиги бўлган жониворлар қораталоғида АХХ сонини 2,92-3,55 мартага оширган. Шу билан бирга, улар ҚЭ га антитаналар титрини, нурланган жониворлар иммунитет марказий (тимус, илик) ва периферик аъзоларида хужайралар сонини, ҳамда қонда эритроцитлар ва лейкоцитлар сонини оширган.

## 2-жадвал

### Иккиламчи иммунтанқислиги бўлган сичқонларда *in vitro* тизимида ўсимлик воситаларининг АХХ га таъсири

Гуруҳ	Доза, мкг/мл	1 млн. спленоцитларга АХХ сони	МИ
<b>Интакт хайвонлар</b>			
1.назорат (n=8)	-	18,6 ± 0,6	-
2.гармала (n=8)	50,0	26,5 ± 0,8 <sup>а</sup>	+1,42
3. каспий карелинаси (n=8)	100,0	24,1 ± 0,7 <sup>а</sup>	+1,30
4. каспий карелинаси + тўлдир. (n=8)	100,0	25,3 ± 0,8 <sup>а</sup>	+1,36
<b>Ўтқир токсик гепатит (ЎТГ)</b>			
1.назорат (n=8)	-	20,1 ± 0,7	-
2.ЎТГ (n=8)	-	4,9 ± 0,2 <sup>а</sup>	-4,10
3.ЎТГ+гармала (n=8)	50,0	6,6 ± 0,4 <sup>аб</sup>	+1,35
4.ЎТГ+ каспий карелинаси (n=8)	100,0	5,9 ± 0,2 <sup>аб</sup>	+1,20
5.ЎТГ+ каспий карелинаси +тўлд. (n=8)	100,0	6,0 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,22
<b>Гемолитик анемия</b>			
1.назорат (n=8)	-	16,8 ± 0,5	-
2.анемия (n=8)	-	5,1 ± 0,2 <sup>а</sup>	-3,36
3.анемия+гармала (n=8)	50,0	7,4 ± 0,4 <sup>аб</sup>	+1,45
4.анемия+ каспий карелинаси (n=8)	100,0	7,0 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,37
5.анемия+ каспий карелинаси+тўлд. (n=8)	100,0	7,3 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,43
<b>Нур касаллиги (НК)</b>			
1.назорат (n=8)	-	23,1 ± 0,7	-
2.НК (n=8)	-	2,5 ± 0,3 <sup>а</sup>	-9,24
3.НК+гармала (n=8)	50,0	5,0 ± 0,5 <sup>аб</sup>	+2,0
4.НК+каспий карелинаси (n=8)	100,0	4,4 ± 0,4 <sup>аб</sup>	+1,76
5.НК+каспий карелинаси +тўлд. (n=8)	100,0	4,9 ± 0,4 <sup>аб</sup>	+1,96

Изоҳ: МИ – мувофиқлик индекси, (-) – назоратга нисбатан, (+) – 2 гур мувофиқ нисбатан, а – 1гр га мос, б – 2 гр га мос

In vitro шароитида ўтказилган тадқиқотлар, иммун жавобнинг энг юқори нуқтасида, яъни ўсимлик воситалари ҚЭ билан эмланган сичқонларнинг қораталоқ хужайралари суспензиясига бевосита қўшилганда воситалар АХХ сонини оширишини кўрсатди, бу ҳолат меъерий сичқонларда ҳам, иккиламчи иммунтанқислик (ЎТГ, анемия, нурланиш) бўлган жониворларда ҳам қайд этилди (жадвал 2). Демак, ўсимлик воситаларининг спленоцитлар билан қисқа 30 дақиқалик алоқаси қораталоқ хужайралари суспензиясида АХХ популяциясининг ўсишига ёрдам беради.

Биз томонимиздан ўсимликдан олинган воситаларнинг қабул қилган жониворларнинг иммун тизими ва қон ҳосил қилиш тизимлари орасида ўзаро корреляцион алоқа ўрганилди. 9 кўрсаткич таҳлил қилинди, шундан 7 таси – иммунологик, 2 та – гематологик: 1) қораталоққа АХХ сони (АХХ/қорат.); 2) қораталоқ 1 млн хужайраларига АХХ сони (АХХ/1млн); 3) қораталоқ ядро таркибли хужайраларнинг умумий сони (ҚЯТХ); 4) ҚЭга антитаналар титри (АТтитр); 5) тимус хужайралари сони (ТК); 6) лимфа тугунлари хужайралари сони (ЛТХ); 7) илик хужайралари сони (ОҚХ); 8) эритроцитлар сони (эрит.); 9) лейкоцитлар сони (лейк.).

Аниқланишича, меъерий сичқонларда каспий карелиниясииммунологик ва гематологик кўрсаткичлар орасидаги корреляцион алоқанинг умумий миқдорини оширади ва назорат гуруҳига нисбатан юқори даража ( $r=\pm 0,7-1,0$ ) билан алоқа миқдорини 2 мартага оширади. Гармала ва каспий карелинияситаъсири остида ЎТГ бўлган сичқонларда иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар орасидаги ўзаро корреляцион алоқаларни тикланади.

Анемияли сичқонларда иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар корреляцион алоқаларга энг самарали таъсир каспий карелиниясининг тўлдиргич шаклига хос. Нисбатан камроқ самара гармала ва каспий карелинияситегишли бўлди. Ўсимлик воситалари гематологик кўрсаткичлар (эритроцитлар ва лейкоцитлар) ва бошқа параметрларнинг ўзаро алоқасини 1,5-2,0 мартага оширган.

Гармала қабул қилган нурланган сичқонларда кучли алоқалар сони даволанмаган жониворларга нисбатан 2 мартага кўпроқ бўлди ва назорат гуруҳига нисбатан битта алоқага кўп бўлди. Худди шу шароитларда каспий карелиниясиқўлланган сичқонларда кучли алоқаларнинг сони назорат гуруҳига нисбатан 1,7 мартага кўпроқ, ва нурланган сичқонларга нисбатан 2,5 мартага кўпроқ бўлди.

Диссертациянинг **«Сукромед, провид, биомайрин ва биофтизоэтамнинг ўткир токсик гепатитда иммун мақоми ва иммунитет аъзолари морфологиясига таъсири»** деб номланган тўртинчи бобида 4 восита: сукромед, провид, биомайрин ва биофтизоэтамнинг иммунмодуляцияловчи хусусиятлари ўрганилган. Сукромед қабул қилган жониворларда ҚЭ га иммун жавоби 60% га, провид – 36% га, биомайрин – 19% га, биофтизоэтам – 70% га ошган. Олинган натижалар 4 воситадан 3 тасида етарлича кучли иммунстимулловчи фаоллик борлигидан дарак берди. Худди шундай натижалар қораталоқ 1 млн хужайрасига АХХ ҳисоби бўйича

ҳам олинган. Шу тариқа, бутун қораталоққа нисбатан (абсолют кўрсаткич), ҳамда 1 млн спленоцитга (нисбий кўрсаткич) АХХ ҳисоби бўйича ўрганилаётган воситалар ҚЭ га бирламчи иммун жавобни ошириш хусусиятига эга эканлигини кўрсатди. Сукромед, биомайрин ва биофтизоэтам таъсирида ҚЯТХсони ноаниқ камайиши кузатилди, провид эса қораталоқ хужайраларининг умумий сонини аниқ камайтирди.

Барча воситаларнинг таъсири остида тимоцитлар сони аниқ кўпайиши кузатилди: сукромед – 29%га, провид – 25% га, биомайрин – 20% га, биофтизоэтам – 33%га кўпайтирган. Барча воситалар иммунитетнинг бошқа марказий аъзоси – иликда ҳам умумий хужайралар сонини аниқ оширган: сукромед – 22%, провид – 20%, биомайрин – 15%, ва биофтизоэтам – 31%. 4 воситадан фақат биофтизоэтам лимфа тугунлар хужайралари миқдорини 38% га аниқ оширган. Бундан келиб чиқадики, барча ўрганилаётган ўсимлик воситалари иммунитет марказий аъзоларида (тимус, илик) хужайралар сонини ошишига ёрдам беради, лимфа тугунларида эса фақат биофтизоэтам оширган. Ўрганилган воситалар сичқонлар периферик қонида эритроцитлар сонини 1,04-1,25 мартага ноаниқ оширган. сукромед, провид, биомайрин ва биофтизоэтам сичқонлар периферик қонида лейкоцитлар сонини 1,23-1,42 мартага ноаниқ камайтирган. Провид воситаси қондаги лейкоцитлар сонини 56% га камайтирган.

Биз томонимиздан иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида (ўткир токсик гепатит, гемолитик анемия, нур касаллиги) воситаларнинг иммуногенезга таъсири ўрганилди. ЎТГ да қораталоқда АХХ миқдори назорат кўрсаткичларига нисбатан 5,53 мартага камайган. Биомайрин, провид ва сукромед таъсирида ЎТГ бўлган сичқонлар қораталоғига АХХ сони даволанмаган сичқонлар билан қиёслаганда мос равишда, 79%, 102% ва 130% га аниқ ошган. Биофтизоэтам қабул қилган жониворларда АХХ сони 2,61 мартага ошган. Демак, ўрганилган воситалар ЎТГ да организмнинг иммунологик реактивлигини шубҳасиз оширади. Сукромед, провид, биомайрин ва биофтизоэтам қабул қилган ЎТГ ли жониворларнинг гуруҳида ҚЯТХсони даволанмаган гуруҳга нисбатан мос равишда 25%, 21%, 17% ва 30% га аниқ кўпайган. Ўрганилган намуналар стимуллаш фаоллиги бўйича бир-биридан аниқ фарқланмади. Демак, ўрганилган воситалар бир вақтнинг ўзида АХХ сони ва ЎТГ ли сичқонлар қораталоғида хужайралар умумий сонини оширади. Агар иккиламчи иммунтанқислиги бўлган жониворларга сукромед, провид ва биомайрин киритилса, қонда ҚЭ га антитаналар титри даволанмаган гуруҳга нисбатан, мос равишда 35%, 30% и 26% га аниқ ошади. ҚЭ га антитаналар титрининг янада кўпроқ ошиши (43%) биофтизоэтам таъсирида остида содир бўлади. Биофтизоэтамнинг стимулловчи фаоллиги бошқа ўсимлик воситаларига нисбатан аниқ юқорироқ бўлди.

ЎТГ да тимоцитлар даражаси 2 мартага аниқ пасайди. Барча воситалар уларнинг миқдорини аниқ оширган: сукромед – 31%, провид – 28%, биомайрин – 23% ва биофтизоэтам – 36% га. Ўсимлик воситаларининг ЎТГли сичқонларнинг илик ҳолатига таъсири ҳақида гап борса, бу ерда

уларнинг миқдори 16-31% га аниқ ошганлиги маълум бўлди. Сукромед, провид, биомайрин ва биофтизоэтам таъсири остида ЎТГ ли сичқонлар лимфа тугунларида ҳужайралар сони 17-29% га ошган.

Жигар патологияси кузатилган сичқонлар сукромед, провид, биомайрин и биофтизоэтам қабул қилганда лейкоцитлар сони 17-32% га ошган. Қон ҳосил қилиш оқ ўсиғига нисбатан биофтизоэтамнинг стимулловчи фаоллиги бошқа намуналардаги кўрсаткичлардан анча устувор бўлди. Олинган натижалар ўрганилган ўсимлик воситаларининг ЎТГли сичқонлар иммун статуси ва қон ҳосил қилиш тизимидаги ўзгаришларни коррекциялаш хусусиятидан дарак беради, бунда ўрганилган кўрсаткичлар орасида энг фаоли биофтизоэтам бўлди.

Кейинги босқич ўсимлик воситаларининг тажрибавий гемолитик анемияда иммунологик кўрсаткичларга таъсирини ўрганишдан иборат бўлди. Анемияда қораталокда АХХ сони 3,81 мартага камайиб кетган. Сукромед, провид, биомайрин ва биофтизоэтам таъсири остида анемияли сичқонлар қораталокда АХХ сони 2,10, 1,80, 1,72 ва 2,51 мартага аниқ кўтарилган. Демак, ўрганилаётган ўсимлик воситалари анемияли сичқонларда иммунологик реактивликни шубҳасиз ошириш хусусиятига эга. Қораталок 1 млн ҳужайраларига АХХ ҳисобида ўхшаш натижалар ҳам кузатилди. Анемияси бўлган сичқонларда спленомегалия кузатилди ваҚЯТХ сони 40 % га аниқ ошган. Ўсимлик воситаларини қабул қилган анемияли жониворлар гуруҳида спленоцитларнинг даражаси бироз пасайиши кузатилган, бироқ меъёрий даражагача тушмаган. Агар анемияли сичқонларга сукромед, провид, биомайрин ва биофтизоэтам юборилса, қондаги ҚЭ га антитаналар титри даволанмаган гуруҳга нисбатан 44-76% га аниқ ошади.

Агар анемияли сичқонларга сукромед, провид ва биомайрин ўсимлик воситалари юборилса, тимоцитлар сони 21-29% га кўтарилади, биофтизоэтам таъсирида эса 35% га кўтарилади. Барча ўрганилган ўсимлик воситалари анемияли жониворлар илик ҳужайралар миқдорини ошириш хусусиятига эга. Сукромед, провид, биомайрин ва биофтизоэтам таъсири остида анемияли сичқонлар лимфа тугунларида ҳужайралар миқдори 21-36% га аниқ ошган. Шу тариқа, ўрганилаётган ўсимлик воситалари гемолитик анемияда иммунитетнинг марказий ва периферик аъзоларида ҳужайралар сонини кўпайтириш хусусиятига эга.

Фенилгидразин таъсири натижасида эритроцитлар сони 2,41 мартага камайган, лейкоцитлар сони эса 1,65 мартага камайган. Сукромед, провид, биомайрин и биофтизоэтам қабул қилган анемияли сичқонлар гуруҳида эритроцитлар миқдори 18-32% га ошган. Сукромед, провид, биомайрин и биофтизоэтам қабул қилган анемияли сичқонлар гуруҳида лейкоцитлар миқдори 21-33% га аниқ ошган. Олинган натижалар ўрганилаётган ўсимлик воситаларининг гемолитик анемияли сичқонлар иммун тизими ва қон ҳосил қилиш тизимидаги ўзгаришларни тиклаш хусусиятига эга эканлигидан дарак беради, бунда ўрганилаётган кўрсаткичлар орасида энг фаоли биофтизоэтам бўлди.

Нурланиш касаллигида (НК) воситалар қандай таъсир кўрсатиши ҳам илмий қизиқишга сабаб бўлди. Нурланишдан кейин қораталокда АХХ сони 14,4 мартага камайди. Воситалар маълум даражада сусайган иммунологик реактивликни оширган. Бкнда сукромед қораталокда АХХ сонини 3,10 мартага, провид – 2,61 мартага, биомайрин – 2,11 мартага, биофтизоэтам – 3,61 мартага оширган. Худди шу каби натижалар 1 млн спленоцитлар АХХ ҳисобига ҳам олинди. Нурланиш таъсиридан сўнг, ҚЯТХ сони 4,1 мартага камайган. Провид, биомайрин, сукромед ва биофтизоэтам юборилганда, НК бўлган сичқонларда спленоцитлар умумий миқдори 21-38% га ошган. НК бўлган сичқонларга сукромед, провид, биомайрин ва биофтизоэтам юборилиши натижасида қондаги ҚЭ га антитаналар титри 20-73%га кўтарилган. Шу тариқа, қораталокда АХХ сони, ҚЯТХ миқдори ва ҚЭ га антитаналар сонининг ҳисоби бўйича нурланган сичқонларда энг фаол восита биофтизоэтам бўлди.

Нурланган сичқонларга сукромед, провид, биомайрин и биофтизоэтам юборилиши натижасида иммунитетнинг марказий ва периферик аъзоларида хужайралар сони ошиши кузатилди: тимусда - 40-55%, иликда - 39-64%, лимфа тугунларида - 25-51%.

Сукромед, провид, биомайрин и биофтизоэтам қабул қилган нурланган сичқонлар гуруҳида қонда эритроцитлар сони 19-43% га ошган. Лейкоцитлар сони эса 2,10 мартага камайган. Биомайрин таъсирида қонда лейкоцитлар сони 25%га, провид таъсирида – 33% га, сукромед – 42% га, ва биофтизоэтам – 47% га ошган. Биофтизоэтам ва сукромеднинг стимулловчи фаоллиги провид ва биомайринга нисбатан анча юқори бўлди.

Олинган натижалар асосида шундай хулоса қилиш мумкин, ўрганилган ўсимлик воситалари НК бўлган сичқонларда ҚЭ га бирламчи иммун жавобни ошириш, периферик қонда ҚЭ га антитаналар титрини ошириш, иммунитетнинг марказий (тимус, илик) ва периферик (лимфа тугунлари) аъзоларида хужайралар пролиферациясини стимуллаш хусусиятларига эгадир.

In vivo тизимида ўтказилган тадқиқотлар билан чегараланиб қолмадик, воситалар устида in vitro шароитида ҳам тажрибалар ўтказдик, бунда воситаларни бевосита қораталок хужайралари суспензиясига қўшидик ва 30 дақиқага инкубация шароитида сақладик (жадвал 3). Ўсимлик воситаларининг спленоцитлар билан қисқа (30 дақиқа) алоқаси натижасида бенуксон иммун тизими бўлган сичқонларда АХХ популяцияси 26-46% га ошди. Воситалар орасида энг юқори стимулловчи фаоллик сукромед ва биофтизоэтамга тегишли бўлди. Провид ва биомайрин кейинги ўринларда бўлди.

Иш давомида иккиламчи иммунтанқислик ҳолатлари бўлган жониворларда ўсимлик воситалари таъсирининг қиёсий таҳлиллари ўтказилди. Қуйидаги натижалар олинди. ЎТГ да сукромед таъсирида АХХ сони 33% га, провид – 25%га, биомайрин – 21% га ва биофтизоэтам – 35% га ошган. Шунингдек, худди интакт сичқонлардаги каби ЎТГ бўлган

сичқонларда ҳам энг юқори стимулловчи фаоллик биофтизоэтам ва сукромедга тегишли бўлди.

### 3-жадвал

#### Иккиламчи иммунтанқислик бўлган сичқонларда ўсимлик воситаларининг *in vitro* шароитида АХХ миқдорига таъсири

Гуруҳ	Доза, мкг/мл	Қораталок 1 млн хужайрасига АХХ сони	МИ
<b>Интакт хайвонлар</b>			
1.назорат(n=8)	-	17,5 ± 0,5	-
2.сукромед (n=8)	25,0	24,3 ± 0,5 <sup>a</sup>	+1,39
3.провид (n=8)	25,0	23,0 ± 0,8 <sup>a</sup>	+1,31
4.биомайрин (n=8)	75,0	22,0 ± 0,7 <sup>аб</sup>	+1,26
5.биофтизоэтам (n=8)	75,0	25,5 ± 0,6 <sup>a</sup>	+1,46
<b>Ўткиртоксик гепатит (ЎТГ)</b>			
1.назорат(n=8)	-	21,8 ± 0,5	-
2.ЎТГ (n=8)	-	4,8 ± 0,4 <sup>a</sup>	-4,54
3. ЎТГ + сукромед(n=8)	25,0	6,3 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,33
4.ЎТГ + провид(n=8)	25,0	6,0 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,25
5.ЎТГ + биомайрин(n=8)	75,0	5,8 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,21
6.ЎТГ + биофтизоэтам(n=8)	75,0	6,5 ± 0,4 <sup>аб</sup>	+1,35
<b>Гемолитик анемия</b>			
1.назорат(n=8)	-	18,3 ± 0,5	-
2.анемия (n=8)	-	5,9 ± 0,3 <sup>a</sup>	-3,10
3.анемия + сукромед(n=8)	25,0	8,5 ± 0,5 <sup>аб</sup>	+1,44
4.анемия + провид(n=8)	25,0	7,8 ± 0,4 <sup>аб</sup>	+1,32
5.анемия + биомайрин(n=8)	75,0	7,4 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,25
6.анемия + биофтизоэтам(n=8)	75,0	9,0 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,52
<b>Нур касаллиги (НК)</b>			
1.назорат(n=8)	-	24,3 ± 0,6	-
2.НК(n=8)	-	2,6 ± 0,3 <sup>a</sup>	-9,35
3.ЛБ + сукромед(n=8)	25,0	5,0 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,92
4.НК + провид(n=8)	25,0	4,8 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,85
5.НК + биомайрин(n=8)	75,0	4,3 ± 0,3 <sup>аб</sup>	+1,65
6.НК + биофтизоэтам(n=8)	75,0	5,8 ± 0,4 <sup>аб</sup>	+2,23

Изоҳ: МИ – назоратга нисбатан мувофиқлик индекси, а – 1 гр га мос, б – 2 гр га мос

